
ҲАММАСИ СИФАТЛИ, ПИШИҚ-ПУХТА БАЖАРИЛИШИГА БОҒЛИҚ

Доно халқимизда ажойиб бир сўз бор, қор осмонда қишламайди.

Ўлкамизга олтин кузнинг салқин ва саҳоватли кунлари кириб келди. Табиатнинг инжиқ мавсуми. Унинг ҳар бир куни биз учун бир— синов. Қиш фаслини беталафот ўтказиш эса унинг “имтиҳон” ларига қанчалик пухта ҳозирлик кўрилганига боғлиқ. Буни яхши англаган Фарғона тумани сектор раҳбарлари бир зум бўлса-да, изғиринли кунларни ёддан кўтармай, тадорикни пухта қилишга ҳаракат қилишмоқда.

Илгари ҳабар берганимиздек, 3 сектор раҳбари Фаҳриддин Ҳайитов раҳбарлигида ҳудуддаги “Шифокорлар” МФЙ йиғинида бир неча кунлардан буён ҳашарлар уюштирилиб, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари жадал тус олган. Кўчалар тозаланиб, дизенфекция ишлари олиб борилмоқда. Ариқлар тартибга келтирилмоқда. Маиший чиқиндилар махсус

Сир эмас куз ва қиш ойларида ҳаво совиб, грипп мавсуми бошланди. Бунинг устига коронавирус балоси ҳали даф этилгани йўқ. Ҳатарлардан

тумов мавсумида аҳволни бир қадар яхши ушлаб туришга кўмаклашиш ҳамда хавф остидаги гуруҳда бўлган одамлар ҳаётини асраш муҳим. Шунинг учун ҳам одамларга муносиб шарт-шароитлар яратилиши тақозо этилмоқда.

— Куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, бугун барча ишлар шу асосда олиб бориляпти, — дейди 3 сектор раҳбари, Фарғона тумани ИИБ бошлиғи Фаҳриддин Ҳайитов. — Бу жараёнда, аввало, ўтган мавсумда йўл қўйилган камчиликлар чуқур таҳлил қилинди. Энг асосийси, аҳолидан тушган мурожаатларга биноан, ҳудуддаги мавжуд 5та кўп қавватли уй-жой фондлари ҳолати тўлиқ ўрганилди. Унинг натижаларига кўра, далолатномалар, чора-тадбирлар, манзилли дастурлар ҳамда тармоқ жадваллари тузилди.

Ҳозирда бажарилаётган ишларни пухта- сифатли бажарилиши эртага асқотишини унитмаслик керак. Қолганини вақт кўрсатади.

